

---

## Учкўприк туманида вилоят секторлари раҳбарларининг оммавий сайёр қабули ўтказилди

Учкўприк туманида Фарғона вилояти секторлари раҳбарларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари бўйича оммавий сайёр қабули бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят солиқ бошқармаси раҳбар ходимлари, Фарғона вилояти судлари раиси иштирок этди.

Шунингдек, сайёр қабулда Учкўприк тумани ҳокими Қодиржон Эркабоев, ҳоким ўринbosарлари, Халқ қабулхонаси мудири ҳам қатнашиб, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганди. Оммавий сайёр қабулда вилоятнинг туман-шаҳарларидан 72 нафар жисмоний ва юридик шахслар иштирок этиб, улар томонидан билдирилган 76 та турли йўналишдаги масалалар ҳар томонлама кўриб чиқилди. Мурожаатларнинг кўпи қабул чоғида ўз ечимини топди, айрим масалалар юзасидан тегишлилиги бўйича қонуний йўл-йўриқ кўрсатилиб, хукуқий маслаҳатлар берилди. Жумладан, фуқаролар томонидан уй-жой олиш, ишга жойлашиш, алимент тўловини ундириш, тоза ичимлик суви, соғлигини тиклаш, моддий ёрдам олиш, электр энергиясидаги носозликларни бартараф этиш, йўлларни таъмилаш, имтиёзли кредит, эгаликни тиклаш каби масалаларга доир таклиф ва мурожаатлар билдирилди.

Сайёр қабул давомида аҳоли вакиллари томонидан билдирилган масалалар бўйича аниқ ва тезкор чоралар кўриш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига топшириқлар берилди. Шунингдек, суд ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи идораларга доир масалалар ҳам жойида соҳа мутасаддиларига йўналтирилди.

2025-01-17 09:49:06